



Миллий шеърият йигирманчи асрлик хаётини нихоялаб, навбатдаги аср бошидадир. Истангиз-истамангиз, яшаётганимиз йиллар шоиру шеърпаастларда, олиму фузалода сархисоб хиссини уйготиб, жўштириб ўтаётир. Турмушнинг ўзи мисол суронли, мураккаб кечган айни адабий тарих ушбу кун керакли сабокларни чикармокка, холис хulosаларни фахмламокка, бехато асарларни ниятламокка чорламокда. Аср охирларининг шу янглиг хур мушоҳадага бой кечганлиги гоҳ аён, гоҳ ноаён орзуланиб келинганд ёгдунинг —эрк неъматининг самарасидир.

Аввалги йиллардан муслимана ифтихорликка, умуминсоний кадриятга арзигулик лирик ижодлар, фасохат тажрибаси, поэтик анъаналар озми-кўпми колди, алхамдуилилах. Эндиғи ўлчовлар бўйича хам улар орасида жаҳоний микёсларга муносиблари борлиги билинмокда. Ёркин назмий натижалар халкимиз ила хамкадам.

Ва лекин шеърият муайян ютуклар баробарида талай ютилизкларни ўз бошидан ўткарди. «Кўп чалгиган ва чалгитилган бизнинг бугунги жафокаш адабиётимиз» (Хайриддин Султонов), унинг шеърияти тазийкор машаккатлар гирдобида яшади. Беҳуда ишончлар, омонат гоялар, бевафо мавзуларга — ёт унсурларга дарвозани ланг очди. Улар нафосат гулшанида зоглар каби ин куришиб, узок яшашди. Гулшан сахнини истаганча кезишди, пайхон килишди.

Ортимизда колаётган ўшал адабий кечмиш бугуннинг факат дашномиу қаҳрига лойикми? Йўк. Бир ёклама ва пала- partiш хукм — хамиша нодонлик. Ўтмишдан окилона идрок воситасида тўпланажак ибратлар илмига мухтоҷлик туйгусига инонмок зарур. Шу зайл муносабатгина хозирги шеърият ва назмшуносликнинг афзал уфкларини, хаёт-мамот вазифаларини аниклашга ёрдам беради.

Шуаро, аввало, руҳиятнинг янгича тараккий мавсумига кирганидан мамнун, миннатдор дарак беради. Шаърий покдомонликка чанкок шеърият яралаётганидан хушхабар берувчи намуналар, мисралар анчагина. Мухими, эътиқодга муносиб поэтик фикрлаш ранго-ранг жихатлари билан юзага чиқди. Абдулла Ориповнинг ҳадислар ва хаж таассуротлари асосида ёзган туркуми, Шукур Курбоннинг «Арбаъийн»лари, Сирожиддин Сайиднинг мазкур йўналишдаги ижоди, Шавкат Рахмон, Усмон Азим, Хуршид Даврон, Азим Суюн, Мирзо Кенжабек, Аъзам Ўқтам, Икбол каби шоирлар шеърлари фикримизни далиллай олади. Захматкаш олим Анвар Хожиахмаднинг «Жаннат калити» китоби хам кадим арбаъийнчилик анъанасига хос улуш бўлди.

Юртнинг катта-кичик ўзгаришларини мўъмин-муслимга хос талкинлаш хамда озодликка масъулликни асл йўлга мувофик уктириш хислари Азим Суюнда куйидагича намоён

бўлган:

Пайгамбаримиз деди:

«Барингиз умматимсиз,

Лекин зулм сохибин

Кўлларидан тутингиз!»

...Акклар чироги-ла

Беркилди зулм йўли.

Расулulloх ёди-ла

Тутилди золим кўли!

Энди майли, эй, халким,

Кулок осма сўзимга,

Аммо истиклол хакки

Боглик факат ўзингга!

Хар нечук дард, кайфият лирик каҳрамонга хослик баробарида халқ овозига уйгунлик макомини топсагина кадрлидир. Шу ниятда изланишнинг натижалари сирасига сизу бизнинг замонавий истиғфорларимиз акс этган асаrlарни киритмок мумкин. «Тазарру тозартса бизни шоядким...» деб ёзади Фахриёр. Азим шоир эса ўз дилини ибодат хиссига — «Истиғфор»га ногаҳон рўбару этган сабабиятни кетма-кет, армонли оҳангларда санаб беради. Бундан хар саналмиш жихат-умумнинг хатокор кечмиши, хатолар эса — тавба онларига элтувчилар, деган яхши таассурот барпо бўлади: «Кўпdir менинг гунойим», «Йўл колиб майса босдим», «Гоҳо иймоним сотдим, Нафс дея тошдай котдим, Учар кушга ўқ отдим», «Тўсдим окар сув йўлин»... Шахсийлик даражаси баланд кечинмаларнинг, атай кичрайтириб айтилгандек англанувчи турфа афсус ва гуноҳларнинг шеърдаги рамзлари лирик каҳрамоннинг кулфланмаган калбини истиғфорга рўпара килган:

Тўрт мучам сог, каддим тик,

Лекин курмадим кўприк,

Савоблар... басти эгик,

Истиғфор, истиғфор.

Йўлда ётса бир бошок,

Бошок эмас, нон-ушок,

Кўзга сурмадим, э воҳ,

Истиғфор, истиғфор.

Хар кимга хам насиб этмовчи неъмат — истиғфор тўйгуси факат Яратганга қаратилганда рост, бешубха, ажрлидир. Хидоятли ёхуд покланиш майлида юрган бандаларнинг бу амали кишини кишига мутеловчи эмас, аксинча, инсон шаънини юксалтирувчи, ёлгиз Илоҳни идроклашга йўналтирувчи, комиллик томон шиҷоатлантирувчидир. Расулulloх саллоллоҳу алайхи васалламнинг Абу Бакр ас-Сиддик разияллоҳу анхудан ривоят килинган муборак хадисларида айб, адашув, гуноҳу хатоларнинг коронгулик, истиғфорнинг эса зулматдан олиб ўтувчи чирок эканлиги билдирилади. Бинобарин, хар кандай тўгри ибодат сингари тавба-тазарру хам абадий мавзудир. Санокли шоиру санокли ашъоргина эмас, бутун дунё фасохатининг

тавбакор яшагани маъкул. Бу хол сўз санъатини янада инсонийрок килади.

Илхомлар билан битган катта туркумини Усмон Азим «Тазарру боғлари» деб дадил номлайди. Ботинидан гоҳо вазмин, гоҳо шошкин келаётган кечинмалар карвонига тазарруни сардор туйгу хисоблайди у. «Уриндим — асроринг еча олмадим» бошланмали хотималовчи шеърида мавзунинг талай аник кирралари, кўйма жозиб талкинларини топади. Бандалардан эрку озодлик кутгани, зим-зиё кечаларда хар касдан бўзлаб йўл сўрагани, мангу саволларга жавобни улардан излагани учун Тангрининг авфини тилайди шоир. Шоирона кўнгил тавбасининг тадрижи ортган сайин мардона эътирофлар бўртиб боради, жамулжам дардлар, пушмонликлар изхори, ўз-ўзини ва олам хикматларини тадқик жараёни мукаррар Аллоҳни танишга чорлайверади.

Пайгамбаримиз (с.а.в.) бу дунёни «охират экинзори» демишлар. Бинобарин, сўз меҳнатини кисмат билганлар учун хам шеърий тафаккур уругларини чин эътиқод заминида ўстирмок ва парвариш айламок, экинларидан Аллоҳ ризолигига мушарраф этувчи хосилни ниятламок энг жиддий вазифадир. Шу нуктаи назар такомилигина иймон хиссиётининг «тетапоя» тараннумини иймон халовати макомига элтади.

Баландпарвоз адабий хукмлар, кўпиртма мактовлар исканжасидан куткарган, озодлик шамолини эстириб кўйган, фасохатда комил иймон охангларини орзулататоётган Яратувчи бунинг хам ижобатини насиб этгай, иншааллоҳ. Хидоятли, шаърий ниятли, исломий иймонли истиклол адиблари ва адабиётига саломлар бўлсин: Вассалому алайкум ва рахматуллоҳи ва барокатух.

Тохир Шермуродов
1998 йил